

Абу Нуъайм Асфаҳонийга шогирдлари йўлда кетишда дарс топшириб боришгани



16:30 / 12.02.2020 2058

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз»да муҳаддис, муаррих, суфий, ҳижрий 336 йилда туғилиб, 430 йилда вафот этган ҳофиз Абу Нуъайм Асфаҳоний Аҳмад ибн Абдуллоҳнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни айтган: «Аҳмад ибн Мардувайҳ шундай деган: Абу Нуъайм ўз даврида уни излаб сафарга чиқиладиган зот эди. Атроф оламда ундан кўра ҳифзи кучлироқ, санади ишончлироқ киши йўқ эди. Дунё ҳуффозлари унинг ҳузурида жамланган эди. Ҳар куни улардан бирининг навбати бўлиб, то пешин вақти яқинлашгунча унга хоҳлаган нарсасини ўқиб берарди. У ўрнидан туриб ҳовлиси томон юрса, кўпинча кўчада ҳа унга бирор жуз нарса ўқиб боришарди. У бундан малолланмасди. У дарс айтиб туришсиз ва тасниф этишда давом этмасдан таомини емаган».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан